

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**144 «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акция-
дорлик жамияти мис бойитиш фабрикасининг пар-
чалаш ва майдалаш бўлинмаларини реконструкция қилиш»
инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари
тўғрисида**

Қазиб олинаётган мис-молибден маъданларининг ўсиб бораётган ҳажм-ларини қайта ишлаш ва бойитиш бўйича илғор технологияларни жорий этган ҳолда «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятини модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш комплекс дастурини амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти мис бойитиш фабрикасининг парчалаш ва майдалаш бўлинмаларини реконструкция қилиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида:

128,0 млн АҚШ долларига тенг миқдорда капитал қўйилмалар ҳажмидаги лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланиши ишлаб чиқилганлиги ва у ваколатли органларда белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганлиги; асбоб-ускуналар етказиб бериш, оталиқ-монтаж ва ишга тушириш-созлаш-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

га доир умумий қиймати 73,9 млн АҚШ доллари бўлган ишларни бажариш юзасидан лойиҳанинг технологик қисми бўйича иш ҳужжатлари ва технологик регламентни ишлаб чиқиш учун, белгиланган тартибда экспертиза ўтказилган ҳолда, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти билан «Тяжмаш» очик акциядорлик жамияти (Россия) ўртасида контракт тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар:

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг ўз маблағлари, шу жумладан 22,1 млн АҚШ долларига тенг бўлган суммада махсус инвестиция ҳисоб рақамлари маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг қайта молиялаштирадиган банкнинг йиллик 1,0 фоиз миқдоридаги маржасини қўшган ҳолда йиллик 4,0 фоизли ставка билан, жумладан 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга бериладиган, «Ипотека-банк» АТИБ орқали қайта молиялаштириладиган 73,9 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредити;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоизли ставка бўйича, жумладан 2 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга ажратиладиган «Ипотека-банк» АТИБнинг умумий суммаси 32,0 млн АҚШ долларига тенг бўлган миллий валютадаги кредити «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти мис бойитиш фабрикасининг парчалаш ва майдалаш бўлинмаларини реконструкция қилиш» инвестиция лойиҳасини амалга оширишни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

3. Белгилансинки:

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти қарз олувчи ва кўрсатиб ўтилган лойиҳа амалга оширилиши, жалб этиладиган кредитлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун масъул бўлган ижро этувчи орган ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг жалб этилаётган кредитини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг ўз маблағлари, шу жумладан махсус инвестиция ҳисоб рақамлари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

4. Қўйидагилар:

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти мис бойитиш фабрикасининг парчалаш ва майдалаш бўлинмаларини реконструкция қилиш» инвестиция лойиҳаси техник-иқтисодий асосланишининг асосий техник-иқтисодий параметрлари объектни 2014 йилда фойдаланишга топшириш муддати билан 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредитини қайтаришнинг прогноз жадвали 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг қайта молиялаштириладиган кре-

* 1-2-иловалар берилмайди.

доти бўйича «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг мажбуриятлари бўйича «Ипотека-банк» АТИБга белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси кафолатини бериш ваколоти берилсин.

6. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти мис бойитиш фабрикасининг парчалаш ва майдалаш бўлинмаларини реконструкция қилиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида:

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти томонидан импорт қилинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган материаллар, асбоб-ускуналар ва уларга эҳтиёт қисмлар, шу жумладан техник ва лойиҳа ҳужжатлари 2015 йил 1 январгача божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно);

Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан бажариладиган ишлар (кўрсатиладиган хизматлар) бўйича «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти қўшилган қиймат солиғидан;

«Тяжмаш» очик акциядорлик жамияти (Россия) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ундириладиган фойда солиғи тўлашдан озод қилинсин.

7. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятига «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти мис бойитиш фабрикасининг парчалаш ва майдалаш бўлинмаларини реконструкция қилиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида, истисно тариқасида:

2013 йил 31 декабргача қурилиш-монтаж ишларини лойиҳа-смета ҳужжатлари бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқилиши билан биргаликда;

қурилиш-монтаж ишларини тўғридан-тўғри музокаралар асосида субпудрат ишларини бажариш учун зарурат бўлганда республиканинг ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж ва бошқа ташкилотларини жалб этган ҳолда ўз кучлари билан бажариш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти мис бойитиш фабрикасининг парчалаш ва майдалаш бўлинмаларини реконструкция қилиш» инвестиция лойиҳаси бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизадан ўтказилишини белгиланган тартибда таъминласин ҳамда «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти мис бойитиш фабрикасининг парчалаш ва майдалаш бўлинмаларини реконструкция қилиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида қурилиш-монтаж ишлари бажарилишининг сифати устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг буюртманомалари бўйича кўрсатиб ўтилган лойиҳани амалга оширишда қатнашувчи хорижий мутахассисларнинг давлат божи ундирмасдан вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинча рўйхатдан ўтказиш узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

11 (563)-сон

— 17 —

144-145-моддалар

10. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг буюртманомалари бўйича малакали хорижий мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 12 март,
72-сон